

2. Қишлоқ хўжалик ишларида ёшлар меҳнатининг хавфсизлиги

Болаларнинг меҳнатидан фойдаланиш болаларга конун ҳужжатларида белгиланган ва катталар меҳнатига қўйиладиган талаблардан фарқ қиладиган бир катор кафолатлар ва ҳуқуқлар тақдим этилишини талаб қилади.



Ўн олти ёшдан бошлаб ишга қабул қилишга руҳсат этилади.



Ўн беш ёшдан бошлаб ўсмирларни ишга қабул қилиш учун **албатта** бола ота-онасидан бирининг ёзма розилиги олиниши керак.




Ишга қабул қилинишдан олдин тиббий кўрикдан ўтишлари шарт.

Ўн саккиз ёшдан кичик бўлган шахсларга қисқартирилган иш вақти белгиланади:

Ўн беш ёшдан ўн олти ёшгача бўлганлар учун	ҳафтасига кўпи билан 24 соат
Таътил даврида ишлаётган ўн тўрт ёшдан ўн олти ёшгача бўлган ўқувчилар учун:	ҳафтасига кўпи билан 24 соат
Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлганлар учун:	ҳафтасига кўпи билан 36 соат
Ўқув йили давомида <u>ўқишдан бўш вақтида</u> ишлаётган ўқувчилар учун:	<i>15 ёшдан 16 ёшгача бўлганлар учун ҳафтасига кўпи билан 12 соат</i> <i>16 ёшдан 18 ёшгача бўлганлар учун ҳафтасига кўпи билан 18 соат</i> белгиланади

16-18 ёшли ўсмирлар кўтариши ва ташиши мумкин бўлган оғир юк меъёрларининг чегараси белгиланган.

Кўлда ташиш мумкин бўлган юкнинг энг юкори оғирлиги:



Бир ғилдиракли аравада юк ташиш
учун:

Фақат йигитлар!
кўпи билан 39 кг



Икки ғилдиракли аравада юк ташиш
учун:

Фақат йигитлар!
кўпи билан 94кг.



Уч ва тўрт ғилдиракли аравада
йигитлар – кўпи билан 67 кг
кызлар - кўпи билан 52 кг



Оғирлик меъёри
юк оғирлигини
+
кўтариш ёки ташиш мосламаси
оғирлигини ўз ичига олади



Ўсмирларнинг юкларни кўтаришига 15 ёшдан бошлаб алоҳида ҳоллардагина йўл қўйилади, бунда уларга нисбатан 16-18 ёшли ўсмирларга (йигитларга ҳам, қизларга ҳам) қўлда ташиш учун белгиланган юк оғирлиги нормалари 2 баробар камайтирилади.

15 ёшгача бўлган ўсмирлар юкларни аравалар ва вагончалар ёрдамида ташишига йўл қўйилмайди.

Болалар меҳнатидан фойдаланиш ишлаётган болалар таълим олишига тўсқинлик қилмаслиги лозим.

Аҳоли таълим олиши Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ривожланиши соҳасида устувор мақсадларидан бири сифатида эълон қилинган.

ЎзР Конституцияси жамиятнинг ҳар бир аъзосига бепул умумий таълим олишни кафолатлайди.



Ё Д Д А С А Қ Л А Н Г !

Ўсмирларни уларнинг кўлидан келадиган ишга жалб қилган фермер ёки ота-оналар вояга етмаганларнинг меҳнати учун жавобгар бўладилар.

Ўсмир зарарли ва хавfli ишлаб чиқаришларда ишлаши мумкин эмас.

Ўсмир – арзон иш кучи эмас!

У республиканинг бўлажак тўлақонли ходими ва фуқаросидир.

Уни эртанги кунга саломатлигига зарар етказмасдан тайёрлаш – ҳар бир ота-она – фермернинг бурчидир!

УНУТМАНГ!
Қишлоқ хўжалигидаги

Ветеринария санитарии, йилкичи касбларига ҳамда ипак курти уруғи заводларида, иссиқхоналар ичидаги ишларда, пахтани қўлда суғоришда, тамакини йиғиш, ташиш ва бирламчи ишлов беришда, пахтани қўлда теришда банд бўладиган ишларга

Қишлоқ хўжалигига агрокимё хизмати кўрсатишда ҳамда ўлик ҳайвонларни тўплаш, қайта ишлаш ва йўқ қилишдаги

Техник маҳсулот ишлаб чиқариш аппаратчиси, техник хом ашёни химиявий ишлаш аппаратчиси, ветсанчиқиндиларга ишлов берувчи, техник маҳсулотларни эловчи, ишлаб чиқариш бинолари фарроши, омборчи касбларига ҳамда пестицидларни саклаш ва улар билан таъминлаш омборлари ва базаларидаги ишларга вояга етмаганларни қабул қилиш тақикланади!

Бактерия ва вирусли препаратлар ишлаб чиқарувчи қорхоналарда

Бактерия ва вирусли препаратлар ишлаб чиқаришда, продуцент ва титраж ҳайвонларни парвариш қилиш, инфицирланган материал, шунингдек касал ҳайвонларни парвариш қилиш

Ветеринария муассасаларида

Инфекцион ёки инфекция материалларга нисбатан шубҳали, шунингдек касалланган ҳайвонларга қараш ишларига ўн саккиз ёшдан кичик шахсларнинг жалб қилиниши тақикланади!